

## НЕМИС ТИЛИДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ АНГЛАТУВЧИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ҲУСУСИЯТЛАРИ

**Эргашева Г.С.**

ЎзМУ, II курс магистранти

**Санакулов З.И.**

Илмий раҳбар: Ф.ф.ф.д (PhD)

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада интеллектуал салоҳиятнинг моҳияти, немис тилида интеллектуал салоҳиятни англатувчи фразеологизмларнинг семантик хусусияти таҳлил қилинади.

**Калит Сўзлар:** интеллектуал салоҳият тушунчаси, фразеологик синонимлар, семантика

## CHARACTERISTICS OF PHRASEOLOGISTS DEFINING INTELLECTUAL COMPETENCE IN THE GERMAN LANGUAGE

**Ergasheva G. S.**

2 nd year master's degree in Linguistics (German)

At the National University of Uzbekistan

**Sanakulov Z.I**

Scientific adviser: PhD.

### ABSTRACT

This article analyzed the essence of intellectual potential, the semantic specificity of phraseology meaning intellectual potential in German language.

Сўнги йилларда замонавий тилшуносликда лисоний ходисаларни тилшунослик ва бошқа илмий соҳа билан биргаликда тадқиқ қилиниши долзарб бўлиб бормоқда. Зеро, бу каби ёндашувлар тил бирликларини бир сатҳда эмас, балки етарли даражада чуқурроқ ўрганишга, илмий билимлар ва янги фактлар билан бойитиш орқали турли жиҳатларини очиб бериш имконини беради.

Чет тилларини таълимда узвий ҳамда улуксиз тадбиқ этиш ва уни амалга оширишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар бир қанча вақт мобайнида ўз исботини топмоқда. Хозирги кунда хорижий тилларни риволантириш мамлакат

инновацион мавқеида муҳим аҳамият касб этмоқда. Немис тилини мамлакатимизда тобора жадаллаштириш борасида, уни замонавий тилшунослик соҳаси билан боғлаш борасида кетма-кет илмий изланиш ишлари олиб борилмоқда.

Замонавий немис тилшунослигида фразеологиянинг роли жуда каттадир. Охирги йилларда айнан немис тилшунослигининг фразеология йўналишида илмий тадқиқот ишларининг кўлами тобора ортиб бормоқда. Немис тилида тилшуносликнинг барча тармоқлари ривожланганлиги, бу тилнинг жаҳон давлатлари, шу қаторда, Ўзбекистонда севиб ўрганилинаётганидан дарак беради. Немис тилшунослигида фразеология соҳаси серқирра тармоқлардан бири бўлиб, бу борада самарали ишлар олиб борилмоқда. Немис тили фразеология соҳаси билан мунтазам шугулланиб келаётган олимларнинг кўплаб илмий асарлари нашр этилмоқда. Жумладан, Ҳаралд Бургер, Аннелис Бухофер, Амбриас Сиалм, Кристина Палм, Дмитрий Добровольский, Питер Кун, Анна Суликовска каби тилшунослар фразеологияни замонавий тилшуносликнинг турли томонларидан тадқиқ этиб, илмий адабиётлар яратмоқдалар. Германияда EUROPHRAS ("European Society of Phraseologie") жамияти томонидан ҳар йили фразеология соҳасида ёш олимлар ва илмий лойиҳалар юзасидан халқаро анжуманлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари рус тилшунослари томонидан фразеологиянинг лингвокултурология, когнитив лингвистика, корпус лингвистика каби йўналишлар билан боғлиқлиги жиҳатидан ҳанузгача турли изланишлар олиб борилмоқда. Фразеология иборалар ҳақидаги нисбатан ёш фан, ҳақли равишда замонавий лингвистик тадқиқотларнинг марказий тармоғи ҳисобланади ва тили ҳодисаси сифатида лисон ва нутққа даҳлдор бирликлар йиғиндисиدير. Академик олим А.Хожиевнинг фикрича фразеология терминига икки хил таъриф берилган.

1. Тилшуносликнинг фразеологик бирликларни ўрганувчи бўлими.
2. Тилнинг фразеологик бирликлар мажмуи [1].

Фразеологияни тилшуносликда маълум аспект деб ифодалаш мумкин ва фразеологизмларни кўп маънолилиги учта аниқ хусусияти мавжуд. Бу уч жиҳат фразеологизмларни кўчма маънога эга бўлиши, қўлланилишидаги турғунлиги ва кўп қисмлилигидан иборат [2].

Немис тили фразеологик бирликлар дунёси жуда сермазмун хусусиятга эгадир. Тилшунос олим Степанованинг ёзишича, фразеологиянинг инсон психологиясига оид, инсонлар ўртасидаги муносабатлари маълум фразеологик-семантик гуруҳга жамланади. Шу қаторда инсонларнинг интеллектуаллик қобилиятларини ифодаловчи фразеологизмлар ҳам семантик гуруҳга мансуб саналади. Бундай гуруҳда ақл-идрок, тафаккур, билим, диққат-хотира каби

маънолар акс этади. Интеллектуал салоҳият инсоннинг психологик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ўзида бирлаштира олган, инсоннинг барча когнитив қобилиятлари мажмуидир. Интеллект сўзи латин тилидаги “*intellektum*” сўздан олинган бўлиб, ақл-идрок, онг маъноларини англатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу атамага қуйидагича таъриф берилади. Интеллект - кишининг фикрлаш қобилияти, ақлий ривожланганлик даражаси, тасаввур ва зеҳни. Интеллектуал - маънавий эҳтиёжлар билан яшовчи ёки ақлий фаолиятнинг энг юксак ва мураккаб турлари билан шуғулланувчи шахсдир. Салоҳият - қобилият ва иқтидор каби маънолари берилган [3].

Немис тилидаги Duden луғатида интеллект сўзига нисбатан мавҳум ва оқилона фикрлаш ва ундан мақсадли ҳаракатни келтириб чиқариш қобилиятидир [4].

Мазкур тушунча алоҳида концептуал ҳарактерга эга бўлиб, бу борада дунёнинг бир неча олимлари ўз назарияларини баён этишади. Шунингдек, Ч.Э.Спирмен, Д.Векслер, Р.Б.Кеттел, Г.Ю.Айзенк, Ж.К.Равен, Л.Л.Тюрстон, Ж.П.Гилфорд, Г.Гарднер кабилар психологияда “Интеллектуал фаолият” ва унинг турлари билан шуғулланганлар ва сўнгги асрда интеллектнинг назариялари пайдо бўлди [5]. Уларнинг айримлари интеллектуалликни ақл-заковат деб таъриф беришса, айримлари эса бу тушунча қобилият, истеъдод ва малакани ўз ичига олади деб фикр билдиришади.

Шундай қилиб интеллектуаллик инсон психологик дунёсида муҳим ўрин эгаллайди. Инсонларнинг бу каби ноёб қобилиятларини таърифлашда фразеологизмларга фойдаланиш ушбу нутқни гўзаллаштирибгина қолмай, мазмунини янада бойитади. Немис тилида инсоннинг ақлий қобилиятини таърифлай оладиган фразеологизмлар талайгина. Инсоннинг ички дунёсини очиқ беришда ҳам интеллектуал салоҳиятни анлатувчи фразеологизмлар муҳим ҳисобланади. Немис тилида интеллектуал салоҳиятни анлатувчи фразеологизмларнинг семантик хусусияти жуда серқиррадир. Айниқса бу каби фразеологизмларнинг синонимия ҳодисаси атрофида бирлашиши унинг семантик аҳамиятини янада юксалтиради. Фразеологизм таркибидаги айнан мавжуд сўзларнинг маънолари эмас, бутун фразеологизмнинг маънодошлиги фразеологик синонимия ҳодисасини вужудга келтиради. Инсонларнинг ақлий қобилияти юксаклигини таърифлашда немис тилидаги фразеологизмларда асосан “*Kopf*” сўзи кўп қўлланилади ва бу каби фразеологизмлар айнан ушбу сўз ёрдамида ўзаро турли-туман синонимик қаторни ташкил этади.

Мисол тариқасида қуйидаги фразеологизмларни кўриб чиқиш мумкин.

1. *ein eigenwilliger Kopf sein* – (ўзига хос ақлга эга)
2. *ein fähiger Kopf sein* – (қобилиятли бўлмоқ)

3. ein heller Kopf sein – (етук ақл соҳиби)
4. ein kluger Kopf sein – (кучли ақл эгаси)
5. ein origineller Kopf sein – (хақиқий ақл соҳиби)

Ўз ўрнида немис тилида инсонларнинг тафаккур дунёси оқсоқлигидан дарак берувчи ёки ўзини ақлли қилиб кўрсатувчи, хийлакор инсонларга нисбатан киноя маъносида қўлланиладиган фразеологизмлар ҳам бир қанчани ташкил этади. Бу каби фразеологизмларда ҳам синонимик ҳодисани кузатиш мумкин.

1. nicht klüger (aus etw.) geworden sein – (ақлли эмас)
2. nicht ganz klar im Kopf sein – (ақли етмайди)
3. den Kopf voller Dummheiten/Unsinn/Blödsinn/... haben – (ақлсиз инсон)
4. einen dicken Kopf haben – (ақли калта)

Немис тилида инсоннинг интеллектуал салоҳиятини англатувчи фразеологизмлардан қуйидагиларни таҳлил қилиб кўрамиз.

- Nicht auf den Kopf gefallen sein - nicht dumm sein.

“In der Familie”: “Hier ist das Kursbuch, Junge. Suche dir die Bahnverbindung selbst heraus! Du bist doch nicht auf den Kopf gefallen” [6.]

Ушбу фразеологизмни таҳлили шуни кўрсатадики, немис тилида ўзи ақлий қобилияти бутун, ҳар қандай вазиятга ақл билан ёндаша оладиган, онгли ўзида бўлган инсонларга нисбатан қўлланади.

- Kopfchen haben - intelligent sein.

“Ich hätte nicht gedacht, daß Petra bei der Quizveranstaltung so gut abschneidet.” – “Ich schon. Petra ist zwar sehr zurückhaltend, aber ich wußte schon immer, sie hat Kopfchen.” [7.]

Немис тили фразеологияси турли-туман маъноларни ўзида жамлаган бирликларша жуда бой тили хисобланади. Шу ўринда инсоннинг ақлий қобилиятини ифодаловчи фразеологизмлар ҳам бир талайгина. Юқорида намуна сифатида берилган фразеологизм ҳам немис тилида учун жуда кўп қўлланилиб, инсоннинг ўта тафаккурли, ақл-идрокли эканлигидан дарак беради. Ушбу матнни таҳлилида ҳам фразеологизмдан ўзи ўрнида, кимнингдир бирор ақлий мушоҳадада йўл тутганлигининг гувоҳ бўлиш мумкин.

Инсоннинг интеллект қобилиятини таърифлашда унинг ижобий ҳамда салбий маъноларини фразеологизмлар ёрдамида очиқ бериш, нутқни янада кучли образли ва экспрессувчанлигини оширишга кўмак беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Немис тилида инсоннинг ақл-тафаккурини англатувчи фразеологизмларнинг синонимия ҳодисасида семантик хусусиятларини таҳлил филиш натижасида бу каби фразеологизмларнинг сермаъно эканлигидан дарак беради. Ҳамда бундай фразеологизмлардан ўз ўрнида тўғри фойдаланиш нутқни янада жилолантиради ва гўзаллаштиради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Хожиев.А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент, Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси,1985. Б 125
2. Ияминава Ш.С. Немис тили фразеологияси. Тошкент, Мумтоз сўз, 2010. Б 7
3. А.Мадвалиев.Ўзбек тилининг изоҳли луғати.Тошкент,Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, (“И” ҳарфи) . Б.49
4. Duden Deutsches Universalwörterbuch. Berlin, Dudenverlag, 2015. S. 45
5. Funke J, Vaterrodt B. Was ist Intelligenz, München, C.H.Beek Verlag, 2009. S.11
6. Kossman L.S. Deutsche Phraseologie. Москва, Международные отношения, 1964. 51 С
7. Kossman L.S. Deutsche Phraseologie. Москва, Международные отношения, 1964. 54 С